ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНЛАРИ ТАРАҚҚИЁТНИНГ НООСФЕРА БОСҚИЧИ ҲОСИЛАСИ СИФАТИДА

Т. Ортиқов, У. Ортиқов

Статья посвящена философскому осмыслению процесса глобализации, рассматриваемого автором как логический результат носферизации.

Article is devoted to philosophical judgment of the process of globalization considered by the author as logic result nospherization.

XXI асрда дунё халқлари глобаллашув жараёнларини бошидан кечирмоқда. Ижтимоий ҳаётнинг глобаллашуви дунёнинг яхлитлиги ва ундаги барча нарса ҳамда ҳодисаларнинг ўзаро алоқадорлиги натижасидир. Ер юзи аҳли (ҳатто коинот ҳам) ягона кемада саёҳатга отланган йўловчиларга ўхшайди. Унинг ноилмий ёки нопрофессионал бошқарилиши мумкин эмас. Зеро, коинот ўзининг барча мулки билан ердаги жараёнларнинг сабабчиси ва локомотивидир. Жузъий масалаларгина фақат ерликларга тегишли бўлиши мумкин ва бу хулоса ҳам унча кучли мотивга эга эмасдек кўринади.

Синергетика ўз-ўзидан шаклланиш жараёнлари ҳақидаги таълимот сифатида мавжуд бўлса ҳам, оламни ноосферасиз тушунтира олмайди. Аслида ҳам синергетика тараққиёт механизмини тушунтириб беришга даъвогар таълимот сифатида юзага келди. Ҳар қандай ривожланиш (хоҳ ижобий бўлсин, хоҳ салбий) диалектика нуқтаи назаридан оламнинг яхлитлиги, ўзаро алоқадорлиги натижасидир.

XX аср макро- ва микродунёда, тирик олам соҳасидаги жаҳоншумул кашфиётлар асри бўлганлигининг ўзи ҳам, ҳатто академик В.И.Вернадскийнинг ноосфера ҳақидаги кашфиёти ҳам инсоният тараққиётининг ноосфера босқичига ўтганлигини исбот қилади. Бошқа тамондан, ноосфера босқичини инсон эволюциясининг олий босқичи деб баҳоланмоқда. Чунки инсоният тарихида инсон ҳозиргичалик тараққиётга эришмаганди. Унинг ақли, заковати бутун ер шарини ўраб, барча нарсага ривожланиш имкониятини яратиб берди. Боз устига, ноосфера таълимоти ер юзида ақл сферасининг ҳукмронлиги ўрнатилганидан далолат беради. Бу таълимотда физика, химия ёки бутун табиатшуносликда, инсон олами, жамиятшуносликда нафақат энг янги билимлар ва кашфиётлар, ҳатто мавжудлари ҳам ягона бир бутунликка олиб келинган.

В.И.Вернадский илмий билимларнинг ўта ривожланиши планетар ҳодиса бўлган Ер биосферасини ноосферага айланишини тезлаштирди деган фикрни билдиради: "... биз инсоният ҳаётида ёки планетамиздаги умуман ҳаётда янги-янги эрага яқинлашмоқдамиз. Илмий фикр планетар куч сифатида инсонлар жамиятларининг маънавий муҳитига сингиб кириб, ҳаёт техникасини, бадиий ижодни, фалсафий фикрни, диний ҳаётни қамраб бормоқда" [1,23]. Ноосфера халқ оммаси ақли, тафаккури ва меҳнати билан шаклланади, билъакс у бирор миллат ёки гуруҳнинг яратган ва фақат ўзига тегишли бўлган маҳсулоти эмас. У, албатта, илм-фаннинг юқори босқичи маҳсулидир. Қолоқ халқ, қолоқ давлат, қолоқ инсон ноосфера учун субъект бўла олмайди.

Ноосфера феномени – барча илмий тафаккур ва ақлнинг планетар ҳодиса сифатидаги кўринишидир. В.И.Вернадский турли фан соҳаларидаги янги маълумотларни умумлаштириш ва бойитиш орқали ҳозирги дунёнинг муҳим ривожланиш белгиларини айтиб беришдек муваффақиятни қўлга киритди. Планетамизнинг ривожланишида янги эра бошланганини, буюк геологик ёки буюк космик куч, биосферани ўсиб борувчи структуравий асосларини ўзгартирувчи кучнинг пайдо бўлганини башорат этди. У табиий дунёни, табиат, инсон ва жамиятни бир бутунликда ўрганишни таклиф қилган олимларнинг энг биринчисидир. Ўз вақтида И.Кант планета системаси ва коинотнинг эволюцияси хақида ажойиб хулосалар чиқаришни бошлади-ю, ақлнинг чегараси борлигини, "нарса ўзида"ни изоҳлашга ақл калталик қилишини таъкидлай туриб, худонинг мавжудлигини тан олган эди. Гегель эса инсон тўплаган билимларни амалий ўрганиб, ақлни ва унинг тарихий аҳамиятини тушуниб етди. Лекни у ақлни ўз кўтариб юрувчиси бўлган инсондан юлинган ҳолда тасаввур қилди. Ақл дунёси унинг таълимотида планетар ақл ёки инсондан ташқаридаги абсолют руҳ кўринишида изоҳланди. Вернадскийнинг замондоши француз табиатшуноси Тейяр де Шарден мутлақо инсонпарварона ва энг маъқул хуло-

сага келди. Унингча, инсон келажакка қаратилган камон ўқининг бош қисмидир. Бу олим инсонни ақлдан алоҳидаланган субстанция деган тасаввур орқали нотўғри хулосага келди, яъни ноосферани планетанинг "фикрлар қобиғи" деб тушунди.

Шундай бўлса ҳам, Тейяр-де-Шарден, Э.Ле-Руа ва В.И.Вернадскийларнинг ноосферавий ғоялари бойитилди ва трансформацияланган ҳолда нафақат фалсафий ёки илмий тафаккур соҳаларига, балки адабиётга, маданиятга, иқтисодиётга, сиёсатга ҳам кўчиб ўтди. Ноосферавий идеологиянинг барча соҳаларда чиқаётган қуёш каби кўриниши "инсон-жамият-табиат" деб номланувчи ўзаро алоқадорлик сифатида дунёқарашлар интеграцияси ва саъй-ҳаракатлар ўзаро муштараклигини келтириб чиқарди.

Ижтимоий ҳаётнинг ноосфералашуви натижасида қуйидаги глобал характердаги вазифалар ҳал этилди:

- Жаҳоннинг икки қутбли модели бархам топди, ва унинг ўрнида кўп қутбли дунё шаклланди. Агар икки қутблилик давом этганида, иккала қутб ўз муаммоларини ҳарбий йўл (қурол ишлатиш) билан ечишга ҳаракат қилиши ҳеч гап эмасди. Бу эса учинчи жаҳон уруши демакдир.
- Ривожланган мамлакатларда меҳр-мурувват соҳаларига маблағ ажратиш, инсонпарварликнинг устуворлашуви кузатилмоқда.
- Табиий захираси яхши, лекин қолоқ ҳисобланган мамлакатларга хорижий инвестицияларнинг киритилиши кучайди.
- Ижтимоий ҳимоя, ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳар бир мамлакатда кузатилмоқда.
- Инсон қадр-қиммати, унинг ҳимояси, ҳақ-ҳуқуқларини кузатувчи, ошкора қилувчи халқаро нодавлат ва нотижорат ташкилотлари сонининг ортиб бориши кузатилмоқда.
- Ниҳоят, бутун башариятни ўз оғушига олган глобаллашув ҳам ноосфералашув ҳосиласи сифатида майдонга чиқди.
- Монархиявий, авторитар, коммунистик ёки бошқа тоталитар бошқарув тизимларининг ўз ўрнини демократик, ҳуқуқий бошқарув ва унга мос фуқаровий ўзини-ўзи бошқарув жамиятларига бўшатиб бериши кузатилмоқда. Қайси ҳукмдор қонундан ташқарида фаолият кўрсатса, мамлакатнинг, планетанинг ақл сфераси ишга тушади ва жамоатчилик фикри орқали қонун ўрамига қайтарилади. Акс ҳолда унинг обрўси тушиб кетади. Шу боис у жамоатчилик билан келишишга мажбур.
- Ноосфера шароитида ҳалқаро низолар, зиддиятларни муроса йўли билан (конценсус) ҳал қилиш палласига ўтилди.
- Ижтимоий онгнинг ижтимоий воқеликдан қолоқлигининг сабабчиси маърифатнинг сустлиги ёки кўплаб мамлакатларда таълимга жиддий эътибор берилмаётганлигидир.
- Ақл энергиясидан умуминсоний мақсадлар йўлида фойдаланишнинг йўлларини "ноосфералашув асослари" предмети таҳлил қилади ва ўрганади (бу фаннинг яратилиши заруриятдир).
- Ноосфералашув жараёни "табиат-жамият-инсон" деб аталувчи учлик кооэволюциясини юзага келтирди. Шунга кўра давлатлар уюшмаси ёки алоҳида давлат, одамлар уюшмаси ёки ҳар бир инсон ўша учликнинг бир қисми сифатида ердаги ҳаётни нафақат сақлаб қолиш, балки уни юқори босқичга кўтариш учун курашиши зарурдир.

Бугунги кунда табиатга жиддий путур етаётгани экологик таҳдидни юзага келтирди. Охирги 50 йил ичида илмий-техникавий равнақ ва илмий тадқиқот ишларининг ўзаро келишилмасдан, ўзбошимчалик билан ташкил қилиниши натижасида жамият кооэволюцияси бузила бошланди. Натижада Ернинг (табиатнинг) яна хаос ҳолатига қайтиши билан боғлиқ жиддий хавф юзага келмоқда. Аслида, ақлнинг ҳосиласи сифатида изоҳланаётган бу хавфни ноосфералашувни илмий асосга йўналтириш орқалигина тўхтатиб қолса бўлади.

Профессор Иброҳим Каримов муаммони ҳал қилиш учун инсоннинг тафаккур тарзини ўзгартиришни, ақлини эса оқилона ишлар томон буриб юборишни таклиф қилади [2,20].

Моддий дунёни кузатувчи эмпирик ва назарий тоифа олимлар дунёда нарса ва ҳодисаларнинг гармонияси, симметрияси мавжуд деган хулосага келганлар. Ноосфера феномени билан ижтимоий ҳаётнинг глобаллашувини боғлаб турувчи нарса ҳам олам гармонияси ёки симметриясидир. Бугунги кунда ер шарини тобора ўраб бораётган инфосфера (информацион сфера)га инсоннинг муносабати ҳам ноосфералашув жараёнининг бир кўринишидир[3,73].

Ноосфералашувнинг замонавий муаммолари назарияси ва методологияси ҳали ҳам яратилмаган. Ижтимоий тараққиёт ноосфералашувининг концептуал базасини шакллантириш учун, биринчидан, уни экологик, социал-иқтисодий, сиёсий ва инсониятнинг бошқа глобал муаммолари билан боғлиқликда ва ўзароликда деб қараш; иккинчидан, ноосфералашувни ҳаёт (космик ҳодиса) ҳамма жойда ақл билан бошқариладиган жараён деб ҳисоблаш зарурдир.

Шу нуқтаи назардан ноосфералашувнинг концептуал базиси қуйидаги мақсад, мезон ва хулосаларни ўз ичига олиши зарур деган фикрдамиз.

1. Умуминсоний қадриятларни тўлалигича ҳис этиб, инсон “нарсалар ўлчови” деб тушуниш орқали ердаги ҳаётни сақлаб қолишдек олий манфаатни, яшаш инстинктлари системасини, мамлакатлараро ва инсонлараро ўзаро муносабатларни ақл тамойили, соғлом идрок, бағрикенглик, маданият орқали шакллантирмоқ зарур. Зеро, инсондаги оламни ўзгартирувчилик ва сақловчанликни келтириб чиқарган инсонийлик деб аталувчи хусусият табиат ва тирик ҳаётни асрашга, зурриётларни давом эттиришга ундайди.

2. Инсон ижодкорлигининг замонавий восита ва ресурсларини ҳисобга олиб уларни ақлий йўналишга буриш зарур. Инсондаги илмий салоҳият, тафаккур ва маънавий-маданий савия ноосферавий жамиятнинг асосий ресурсидир.

3. Олам бутунлиги, ахборотлашган жамиятнинг умумбашарийлигини ҳис этиб иқтисодиёт ва инсонпарварлик ҳамкорлиги, амалий ечимлар ҳамкорлигини кучайтириш зарур. Кўп қутбли дунё талабларига кўникиб, барча муаммоларни ноосферавий усулда ҳал этишга ўтиш ягона йўлдир.

4. Бугунги дунё мамлакатлараро зўравонлик ёки буюк давлатчилик шовинизмидан воз кечиб, ўзаро ҳамкорлик, миллатлараро ҳамжиҳатлик, глобал муаммоларни биргаликда ҳал этиш йўлидан бормоғи керак.

5. Инсоният ўзи яшаб турган иқтисодий-эколик яхлит дунёни янги аҳлоқ ва тараққиётнинг табиат билан гармониясини ўрнатувчи “ақлий иқтисодиёт” қонунлари билан бошқариши лозим.

6. Ақл-заковатнинг жамоавий шакли бўлган ноосферавий тамойилар асосида олам бошқарувининг ўлчовларини юксалтириш ва доирасини кенгайтириш орқали илмий тафаккурни планетар бошқарув ҳодисасига айлантириш муҳимдир. Фикрни кучайтириш олам гармониясига магистрал йўл очади, инсон ҳаётининг гармониясини таъминлайди ва бошқариладиган “ноосферавий жамиятни” тузишга ундайди. Ноосферавий идеология тамойиллари асосидаги тараққиёт кўлами ва тезлиги жаҳон афкор оммасининг инновацияларга (янгиликларга) тайёрлиги ва қобилияти билан аниқланади.

Глобаллашув ноосфералашувнинг ҳосиласи эканлиги маълум бўлди. Глобаллашувнинг ижобий ва салбий жиҳатларини қандай шарҳлашларидан қатъи назар, ноосфералашув – ер юзида, ҳатто коинотда ақлнинг ҳукмронлиги ўрнатилаётгани сабабидан ҳам ижобий жараён. Ижтимоий ҳаётнинг ноосфералашувдан узоқ бўлган даврларда турли хил воқеа-ҳодисаларни ҳамманинг билиши шарт эмас эди. Боз устига, ахборот коммуникациялари ҳали шаклланиб улгурмаган эди. Ноосфералашувнинг натижаси бўлган глобаллашув шароитида шахс ва жамиятлар учун иккинчи даражали ҳисобланадиган воқеа-ҳодисалар бўлмайди. Ўзаро алоқадорлик, ўзаро боғланишлар коинотни ягона, глобал организмга айлантириб қўяди. Демак, нафақат планетамиз, балки коинотимиз ҳам ҳеч ким бефарқ бўла олмайдиган ягона уйимиз экан. Бу ҳолат ер юзи аҳолисининг зиёлилашувини тақозо этади. Илми паст одам, нодон одам, билимсиз одам ҳеч кимга қизиғи йўқгина эмас, балки хавфли ҳамдир. Чунки у бор жойда алоқалар дарз кетади, тақдирларни боғловчи занжир ўша одам бор нуқтадан узилади.

Адабиётлар:

1.Вернадский В.И. Научная мысль как планетное явление.// Размышления натуралиста. кн 2. - М.: Наука, 1977

2. Каримов И. Ноосфера, геосиёсат, мафкура.- Т.:Фан, 2007

3. Артыков Т.А. Концепция относительности и идеи В.И.Вернадского. // Учение В.И.Вернадского и глобальные проблемы современности.- М.,1987

Андижон давлат университети
2010 йил 25 декабрда қабул қилинган